



ҚЎРИҚЛАШ ХИЗМАТИ ХОДИМЛАРИ ИЖТИМОЙ-ПСИХОЛОГИК КОМПЕТЕНТЛИГИНИ БАҲОЛАШНИНГ ЎЗИГА ХОСЛИГИ

Махмудова Зулфия Мехмоновна
Бухоро давлат университети ўқитувчиси

Самадова Нилуфар Нодир қизи
Бухоро давлат университети талабаси

Аннотация: Уибу мақолада қўриқлаш хизмати ходимлари социал-психологик компетентлик омилларининг намоён этилиши ва ривожланнишини тадқиқ этиши ҳамда унинг ўзига хос ижтимоий-психологик омилларини таомиллаштириши ҳақида фикр юритилиб, қўриқлаш хизмати ходимлари социал-психологик компетентлиги ва шахсий сифатларини ривожлантирувчи ижтимоий-психологик омиллар, компонентларини аниқлаши, қўриқлаш хизмати ходимларидаги коммуникатив, эмоционал ва шахслик компонентларининг намоён бўлиши ва ривожланнишини тадқиқ қилиши билан бοғлиқ тадқиқот натижалари баён этилган.

Калит сўзлар: қўриқлаш хизмати ходимлари, социал-психологик компетентлиги, касбий компетентлик, компетентлик, эмоционал интеллект, касбий фаолият.

ИНДИВИДУАЛЬНОСТЬ ОЦЕНКИ СОЦИАЛЬНО-ПСИХОЛОГИЧЕСКОЙ КОМПЕТЕНТНОСТИ СОТРУДНИКОВ СЛУЖБЫ ОХРАНЫ

Махмудова Зулфия Мехмоновна
Преподаватель Бухарского государственного университета

Самадова Нилуфар Нодир қизи
Студент Бухарского государственного университета

Аннотация: В данной статье рассматриваются исследования проявления и развития факторов социально-психологической компетентности сотрудников органов безопасности и совершенствования ее конкретных социально-психологических факторов, выявление социально-психологических факторов и компонентов, развивающих социально-психологическую компетентность. и личностных качеств сотрудников службы безопасности, описаны результаты исследований, связанных с изучением проявления и развития коммуникативного, эмоционального и личностного компонентов у сотрудников службы безопасности.

Ключевые слова: сотрудники органов безопасности, социально-психологическая компетентность, профессиональная компетентность, компетентность, эмоциональный интеллект, профессиональная деятельность.

INDIVIDUAL ASSESSMENT OF SOCIO-PSYCHOLOGICAL COMPETENCE OF SECURITY STAFF

Makhmudova Zulfiya Mexmonovna
Teacher at Bukhara State University

Samadova Nilufar Nodir qizi
Student of Bukhara State University

Abstract: This article discusses the research of the manifestation and development of the factors of social-psychological competence of security service employees and the improvement of its specific social-psychological factors, identifying the social-psychological



factors and components that develop the social-psychological competence and personal qualities of security service employees, the results of the research related to the research of the manifestation and development of communicative, emotional and personality components in security service employees are described.

Key words: security service employees, socio-psychological competence, professional competence, competence, emotional intelligence, professional activity.

КИРИШ. Дунёда глобаллашув жараёнининг жадаллашуви, ўзига хос ижтимоий тараққиёт тамойилларига мос равишда шахсни тарбиялаш ва унга ижтимоий-психологик таъсир қўрсатиш тизимини такомиллаштиришга бўлган эҳтиёжнинг янада ортиб бораётгандигини кўрсатмоқда. Ўзбекистонда амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар талабларига мос келувчи, интелектуал салоҳияти юқори, кескин ўзгаришларга тез мослаша оладиган, рақобат бардош, меҳнат бозорида мутахассислар малакасига қўйилаётган талаблар даражасида самарали фаолият юритувчи шахсни шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 7 июндаги 472-сон «Психология соҳасида кадрларни тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш ва жамиятда хукуқбузарликларнинг олдини олиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ва мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-хукуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация муайян даражада хизмат қиласди.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ. Ижтимоий компетентлик-шахслараро муносабатлар жараёнида фаоллик қўрсатиш кўникма ва малакаларига эгалик, касбий фаолиятда жараёнида шахслараро мулоқотга кириша олишга айтилади. Ижтимоий-психологик компетентлик мутахассиснинг шундай касбий фаолияти назарда тутиладики, бунда етарлича юқори даражада педагогик фаолият, педагогик мумомалага ургу берилади. Бинобарин, тарбиячининг ижтимоий-психологик компетентлигини унинг малакалари ва психологияк сифатлар мутаносиблиги билан баҳолаш мумкин.

А.А. Дунюшиннинг фикрига кўра, шахснинг ижтимоий-психологик компетентлиги касбий фаолиятда инсонлар билан ўзаро муносабатда бўлиши учун зарур бўлган билим, кўникма ва малакаларни амалда кўллай олиш қобилияти ҳисобланади. Бу таъриф, муаллиф томонидан қўйидаги бир неча мулоҳазалар орқали аниқлаштирилган:

- компетентлик аниқ фаолият субъекти сифатида қаралиши мумкин;
- компетентликнинг мазмуни касбий фаолиятнинг мақсади, структураси ва маҳсус талабларига боғлиқ;
- хиссий иродавий ва коммуникатив ҳусусиятлар, интеллект, шахслараро муносабатлар, ва шахснинг йўналтирилганлиги компетентликка асос бўлиб хизмат қиласди.

Замонавий психологияда «эмоционал интеллект» тушунчаси кенг қўлланилиб, ушбу тушунчани фанга П. Сэлов ва Дж. Мэйерлар олиб кирдилар.

Муаллифларнинг фикрича, эмоционал интеллект – эмоцияни ифода этиш ва баҳолаш қобилияти; эмоцияни тушуниш ва эмоционал билимларга эгалик; қолаверса, шахснинг эмоционал ва интеллектуал камолотини ўзаро бирлаштирувчи эмоционал бошқарув қобилияти ҳисобланади. “Эмоционал интеллект” терминини фанга киритилиши билан эмоционал ва билиш жараёнларининг нисбати нуқтаи назаридан тадрижий ўзгариш юз берди.

Илмий-методик адабиётларда компетенциянинг ҳам қуйидаги анъанавий таснифлари қайд этилган:

- масулиятни ўз зиммасига олиш, биргаликда қабул қилишда иштирок этиш қобилиятига боғлиқ сиёсий ва ижтимоий компетенциялар;

— маданияти, тили ва дини, келиб чиқишидан қатъий назар бошқа инсонлар билан яшашга, уларни тушунишга, ёрдам беришга ва ўзаро келишмовчиликларни бартараф этишга йўналтирилган, жамият ҳаётида учрайдиган компетенциялар;

— касбий фаолиятда ва жамият ҳаётида муҳим бўлган ёзма ва оғзаки мулоқотга эгалигини кўрсатувчи компетенциялар.

Умуман ижтимоий-психологик компетентлик-психологик муаммо сифатида қай тариқа ва қандай ўрганилганлигини таҳлил қилиш ва талқин қилиш бугунги кунда муҳим аҳамият касб этади. Чунки ижтимоий-психологик компетентликка оид олиб борилган назарий-илмий ва амалий-услубий тадқиқотлар кўламига адекват баҳо бермай туриб, кўриқлаш хизматида фаолият юритаётган ходимларнинг ижтимоий-психологик компетентлигини касбий фаолият доирасида такомиллаштириш ва ривожлантириш масаласи ҳақида фикр-мулоҳаза юритиб бўлмайди. Юқоридаги мулоҳазалардан ҳам кўриш мумкинки, кўриқлаш хизмати ходимлари фаолиятига қўйиладиган талабларнинг анчагина масъулиятили эканлиги кўп ҳолларда ижтимоий-психологик компетентликка таъсир қилувчи омилларга боғлиқдир.

НАТИЖАЛАР. Ижтимоий-психологик компетентлик инсоннинг шахсларо муносабатга самарали киришиши ва муваффақиятли мослашувини таъминлаш учун зарур. Муаммонинг назарий таҳлилига бағищланган бўлимда ҳам бунга алоҳида урғу берилган эдики, мактабгача таълим ташкилоти тарбиячиларининг ижтимоий-психологик компетентлигини ривожлантириш дастурини шакллантиришда назарий ёндашувларга таянмаса бўлмайди (М.И. Бобнева, А.Л. Южанинова, Г.Ю. Айзенк ва бошқалар).

Ижтимоий-психологик тузилмасининг замонавий талқинини илгари сурувчи олимлардан бири М.И. Бобневанинг қарашларига кўра, ижтимоий-психологик компетентлик шахс социал ривожланишининг индивидуал ва социаллашув жабҳаларини ўзаро уйғунлашуви оқибати эканлигини таъкидланганлиги бежиз эмас.

А.Л. Южанинова томонидан ишлаб чиқилган ижтимоий-психологик кўрсатмалар мазкур дастурни татбиқ этишнинг ўзига хос аҳамиятини белгилашга хизмат қила олади. Муаллиф коммуникатив компетенция ижтимоий-психологик компетентлик тушунчаси билан ўхшаш ва у социал тажрибаларни интериоризациялашуви туфайли шаклланишини, бу чексиз ва доимий кечадиган жараён эканлигини таъкидлайди.

Энди асосий натижалар шарҳига мурожаат этайлик..

Кўриқлаш хизмати ходимлари ижтимоий-психологик компетенлигини белгилашда шахс типлари муҳим аҳамият касб этади. Зоро, кўриқлаш хизмати ходимлари касбий фаолияти маълум даражадаги шахслик хусусиятлари билан уйғунлашувни тақозо этади.

Кўриқлаш хизмати ходимлари ижтимоий-психологик компетентлиги, коммуникатив компетентлик, шахс типлари ва социал компетентлик каби омиллар орқали ривожланиши мумкин.

Экстроверсия-“ичкаридан ташқарига йўналтирилган” деган маънени англатиб, бу типга мойил шахслар кўпроқ одамлар ичida бўлишни ёқтиришади, ўз кечинмаларини кўпроқ атрофдагилар билан баҳам кўради. Мулоқотга киришувчан, танишлар доираси кенг. Баъзи ҳолларда уларда жиддийлик этишмайди. Одамларнинг тез ишончини қозона олади ва шунингдек, тез хафа қилишга ҳам мойил.

Интроверсия-“ташқаридан ичкарига йўналтирилган” деган маънени англатиб, бу типга хос шахслар оғир, вазмин, кўнгли нозик, бепарво, дўстлик қоидаларига қатъий амал қиласидиган, мулоқот доиралар чекланган, тортичкоқ, кўпроқ ўзларининг ички дунёлари билан банд ва ёлғизликни ёқтирадиган. Таърифдан кўринаяптики, бу типга мансуб шахслар социал алоқаларда, шахсларо муносабатни ижобий ташкил

этадиган, ижтимоий муҳитга тез мослаша оладиган инсонлар эканлигини пайқаш мумкин. Мактабгача таълим ташкилоти тарбиячиларнинг шахслик типларини аниқлашда Г.Ю. Айзенкнинг “Экстроверсия, интроверсия ва невротизмни аниқлаш” сўровномаси бўйича олинган эмпирик маълумотларнинг статистик қийматларини қўйидаги (1-жадвал) жадвал асосида талқин қилиш мумкин.

1-жадвал

Кўриқлаш хизмати ходимлари шахс типларининг умумий қийматлари

| Ю.Г.Айзенк методикаси асосида | Шкала | M | S |
|--|--------------|----------|----------|
| Экстроверт | | 15,61 | 0,93 |
| Интроверт | | 11,93 | 0,55 |
| Невротизм | | 13,41 | 0,62 |
| Сохталик | | 1,99 | 1,94 |

Сўровнома натижаларини амалда қабул қилиш учун респондентларнинг жавоби холислигини англатувчи “сохталик” шкаласи кўрсаткичлари ҳам инобатга олинди.

Сўровнома талабларига кўра мазкур шкала қиймати тест меъёридагидан кичик, яъни меъёрга кўра 5 балл атрофидаги қиймат холисликка эга. Умумий ҳолатда таҳлил қилинган мактабгача таълим ташкилоти тарбиячиларнинг экстроверсия типига мансублар меъёрдаги ҳолатда экан (15,61). Бу кўриқлаш хизмати ходимларининг экстроверт типга мансублари мулоқотманд, инсонлар орасида бўлишни ёқтирадиган, фаол, ўз туйғуларини очиқ ифода эта олади, вазиятларга тез мослашувчан эканликларидан далолат бермоқда. Шунингдек, ушбу типдагиларнинг социал тажрибаларни ўзлаштиришга хайриҳоҳликларини сўровноманинг натижаларидан билиб олиш мумкин. Ушбу натижага кўра уларнинг невротизм шкаласи қиймати (13,41) шахснинг асаб тизимида зўриқишилар учраб туриши ва уни бошқариш имкониятига эга эканликларини кўрсатмоқда.

Тадқиқотимизда интроверт типига мансуб мактабгача таълим ташкилоти тарбиячиларнинг қийматлари (11,93) уларнинг анча вазмин, асаб тизимини бошқариш имкониятига эгаликларидан далолат беради. Аммо, бизнинг мақсадимиз мактабгача таълим ташкилоти тарбиячиларнинг шахс типларини эмас, балки муайян типнинг ижтимоий-психологик компетентлик шаклланишидаги таъсирини аниқлашдан иборат эди. Шунинг учун натижаларни шахс типи ва ижтимоий-психологик компетентлик муносабатларини мактабгача таълим ташкилоти тарбиячиларнинг фаолият турлари асосида ёритилади.

Кўриқлаш хизмати ходимларининг ижтимоий-психологик компетентлик индекси ва шахс типлари ўртасидаги миқдорий қийматлар кузатилди (2-жадвал).

2-жадвал

Кўриқлаш хизмати ходимларининг шахс типлари ва ижтимоий-психологик компетентлик индекси кўрсаткичлари орасидаги корреляцион муносабат натижалари

| Ижтимоий – психологик | Мезонлар | Шахс типлари | | |
|----------------------------------|-------------------------------|---------------------|------------------|------------------|
| | | Экстроверт | Интроверт | Невротизм |
| | Социал–перцептив компетентлик | 0,476** | -0,083 | -0,467** |
| | Коммуникатив компетентлик | 0,299* | -0,094 | -0,335* |
| | Когнитив компетентлик | 0,302* | -0,023 | -0,068 |
| | Аутопсихологик компетентлик | -0,386** | 0,341* | -0,058 |

Изоҳ: * $p \leq 0,05$, ** $p \leq 0,01$

Бунда экстроверт типдаги тарбиячиларнинг мулоқотни синчковлик билан олиб боришлари, сұхбатдошнинг ҳиссияти, кечинмаси, хоҳиши истакларини тушуниш қобилиятлари яхши ривожланган экан. Бу эса уларда фаолиятларини хушкайфият билан амалга оширишлари, муносабатларда дуч келиши мүмкін бўлган нохушликларни вазминлик, босиқлик ва ортиқча эҳтиросларга берилмасдан ҳал этишга кириша олишлари билан бирга, коммуникатив компетентлик қобилияти ва невротизмнинг пасайиши ҳам экстроверт типидаги тарбиячилар учун характерли эканлигини кўриш мумкин.

Аммо экстровертларда «шахслараро ўзаро таъсирашувни таҳлил этиш»нинг пасайиши ва интровертлардаги ўзаро таъсирашувларда бир оз бўлсада ўсиш ҳолати қайд этилмоқда. Буни кўриқлаш хизмати ходимларининг кузатувчанлиги, шахслараро ўзаро таъсирашувларда вазминлик билан ёндашишлари, сұхбатдошларга муносабат билдиришда сўзларни ўз ўрнида қўйиб ишлатишлари, муомала жараёнидаги кескинликларда ортиқча асабийлашмаслик ва эҳтиёткорлик билан иш тутишлари оқибати эканлиги билан изоҳлаш мумкин.

ХУЛОСА. Тадқиқотимиз давомида кўриқлаш хизмати ходимлари социал-психологик компетентлиги омилларини ҳар бири ўзига хос динамикаси ва натижасига эга эканлиги қайд этилди ва бу услугуб, ўз навбатида, ижтимоий психология фанидаги социал-психологик компетентлик самарадорлигини белгилашда мухим аҳамият касб этиши табиий.

Кўриқлаш хизмати ходимларининг социал-психологик компетентлигини ривожланишида шахстипларининг ўрни бекиёс. Кўриқлаш хизмати ходимлариларининг касбий фаолиятига йўналтирилган талабларнинг ўсиб борганлиги ҳамда ижтимоий тажрибаларнинг шаклланганлигига боғлиқ бўлиши мумкин.

Кўриқлаш хизмати ходимларининг социал-психологик компетентлик омиллари кўрсаткичларининг ошиши бевосита уларнинг касбий фаолиятида тажрибанинг ошиши билан бир қаторда ижтимоий кўнкма ва малакаларни шаклланиши билан ҳам боғлиқ.

Кўриқлаш хизмати ходимлари камолотида социал-психологик компетентликнинг роли фаолият давомийлигининг ошиши билан бир қаторда шахс ижтимоийлашувига ҳам боғлиқдир.

Умуман, кўриқлаш хизмати ходимлари шахсий ва касбий фаолияти уйғунлигининг намоён этилишида мухим аҳамият касб этувчи социал-психологик компетентликни кўрсаткичларига баҳо беришда, уларнинг адекват мулоқотмандлиги, адекват эмоционал муносабати каби омилларини чукур ўрганиш, таҳлил қилиш ва тегишли эмпирик хуносалар чиқариш орқали суд психолог эксперталари касбий фаолият компетентлигини таъминлаш мумкинлиги яна бир бор ўз тасдифини топди.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Maxmudova Z.M., Olimov L.Y. Psychodiagnostics. О‘кув qo‘llanma. “Turon zamin ziyo” nashriyoti. Toshkent 2014. -B. 298.
2. Olimov L.Y. Psixodiagnostika va psixometrika asoslari. Darslik. “Durdona” nashriyoti. Buxoro. 2021. -B. 747.
3. Olimov L.Y. Umumiy psixodiagnostika. “Durdona” nashriyoti. Buxoro. 2020. -B. 1103.
4. Olimov L.Y., Maxmudova Z.M.. Psixodiagnostika va eksperimental psixologiya. o‘кув qo‘llanma. “Turon zamin ziyo” nashriyoti. T. 2020. -B. 820.
5. Olimov L.Y., Nazarov A.M.. Xulqi o‘gishgan bolalar psixologiyasi. O‘кув qo‘llanma. “Tafakkur avlod” nashriyoti. Buxoro. 2020. -B. 490.

6. Olimov L.Y., Bahronova M.O. 'O'smirlar ma'naviyatini shakllantirishning ijtimoiy-psixologik xususiyatlari. Science and education. Scientific journal. Volume 3, issue 3. March 2022 407-413 p.
7. Olimov L.Y., M.B.Rasulova. O'smir shaxsi shakllanishida ahloqiy normalarning ijtimoiy-psixologik ahamiyati. Science and education. Scientific journal. Volume 3, issue 3. March 2022 675-683 p.
8. Олимов Л.Я. Социально-психологический подход к исследованию конфликтов. Вестник интегративной психологии.(журнал для психологов). 2019 год, Выпуск 19. 379-381 ст.
9. Олимов Л.Я. Теоретический анализ проблемы креативности в психологии. Вестник интегративной психологии журнал для психологов. Выпуск № 23, 2021 г. С 237-241.
10. Олимов Л.Я., Махмудова З.М. Диагностика Управленческих Способностей. Вестник интегративной психологии журнал для психологов. Выпуск № 2, 2020 г. С 204-209.
11. Олимов Л.Я., Махмудова З.М. Психологические механизмы девиантного поведения. Психология XXI века. Ярославль., 2020. –С. 125-127.
12. Олимов Л.Я., Махмудова З.М. Стресссли вазиятларда психологик ҳимоя механизmlари ва копинг хулқ-атвор намоён бўлишининг ижтимоий психологик хусусиятлари. Psixologija. Учредители: Бухарский государственный университет, 31-38.
13. Олимов Л.Я., Махмудова З.М. Стресссли вазиятларда психологик ҳимоя механизmlари ва копинг хулқ-атвор намоён бўлишининг ижтимоий психологик хусусиятлари: стресссли вазиятларда психологик ҳимоя механизmlари. Psixologija ilmiy jurnalı. 2020 yil, 4 son 109-115 b.
14. Олимов Л.Я., Махмудова З.М. Ўсмирлардапсихологикҳимоямеханизмларининг намоён бўлишининг ўзига хослиги. Psixologija ilmiy jurnalı. 2021 yil, 4 son 103-112 b.
15. Олимов Л.Я., Махмудова З.М. Экстремал вазиятларда копинг хулқ-атвор ва стратегиялар намоён бўлишининг ижтимоий психологик хусусиятлари. Psixologija ilmiy jurnalı. 2021 yil, 3 son 98-106 b.